

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Хоразм вилояти ҳокимлигининг
“Ягона буортмачи хизмати”
инжиниринг компанияси
директори**

Ш.Отаев

2022 йил

Буюртмачи: Богот тумани "Тозабозор" МФЙдаги 8-сон МТТни реконструкция қилиш (90 ўрин) объекти учун лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқишига

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Урганч шаҳри -2022

Урганч шаҳри -2022

Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

Ушбу йуриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқарув Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоийларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чикилди

ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1 Хизматда **Боғот тумани "Тозабозор" МФЙдаги 8-сон МТТни реконструкция қилиш (90 ўрин) обьекти** учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун (Лойиҳа смета ҳужжатлари, ЗВОС лойиҳасини ишлаб чиқиш, Экология экспертизаси Топосёмка ва муаллифлик назоратини юритишни ўз ичига олган ҳолда).
- 1.2. Танлов қиймати -62735,0 (Олтмиш икки миллион етти юз ўттиз беш минг) минг сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан лойиҳачи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзолангандан кундан бошлаб 10 иш кунда тўлиқ бажариш талаб қилинади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Хоразм вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжинииринг компанияси, (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Урганч шаҳар Ал-Хоразмий кўча 23-үй Эл.манзил: xorazm_ik@mail.uz
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгилангандан берилади, белгилангандан муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар талаб этилади:
танлов предмета қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов обьектига ўхша什 обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда); Лойихалаштириладиган обьект лойихалаштириш тоифасига кўра 2 ёки 3-тоифали, лицензияси бўлиши, шунга ўхша什 обьекларда ишлаган бўлиши лозим. Низом маблағи миқдори. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиши учун белгилангандан тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳсат этилади.
- 3.3 Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар ҳамда молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодалангандан бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги ва олдин ишлаган обьектлар бўйича ишлар ўз муддатида бажармаган ва лойиҳачини айби билан муддати ўтган ишлари мавжуд бўлса
- 3.4 танлов иштирокчилари - танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши хакида мурожаат килишга хаклидиirlar.